Haqsevar ona yurt, mangu böl obod!

TOŞKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
21-noyabr
ŞANBA
№ 94
(13955)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_

“ОЛТИН БЕЛ” — ПАРКЕНТНИНГ ЯНГИ САЙЁҲЛИК МАНЗИЛИ







Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманига ташрифи давомида Кумушкон маҳалласидаги “Олтин бел” сайёҳлик мажмуасида яратилган шароитлар ва уни янада ривожлантириш режалари билан танишди.

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш ва замонавий дам олиш масканларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Паркент туманидаги “Олтин бел” мажмуаси ҳам ушбу йўналишдаги йирик лойиҳалардан бири бўлиб, 2025 йилда бунёд этилган “Kumushkon Resort” лойиҳасининг давоми ҳисобланади.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Паркент туманида қурилиш материаллари саноати ва туризмни ривожлантириш масалалари юзасидан инвесторлар ҳамда тадбиркорлар билан учрашув ўтказди.

Тадбир Кумушкон маҳалласидаги “Олтин бел” сайёҳлик мажмуасида бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бир йил аввал ушбу ҳудудда йирик туризм мажмуасини барпо этиш вазифаси қўйилганини қайд этди. Маҳаллий лойиҳачилар, қурувчилар ва ишлаб чиқарувчиларга имконият берилгани натижасида қисқа муддатда 47 гектар майдонда замонавий дам олиш маскани бунёд этилди.

Мажмуа бир вақтнинг ўзида 6 минг нафар инсонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бу ерда 600 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган, 300 нафар мутахассис тайёрланган. Қурилиш ва жиҳозлашда маҳсулотларнинг 95 фоизи маҳаллий корхоналардан олингани лойиҳа таннархини 20 фоизга арзонлаштириш имконини берди.

Ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенг қўллаш, қурилиш индустрияси ва туризмни бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро янги имкониятлар яратадиган соҳаларга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда дастлаб қурилиш материаллари саноатида эришилган натижалар ва мавжуд имкониятлар таҳлил қилинди.

Сўнгги ўн йилда соҳага 12 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 5 мингдан зиёд замонавий корхона ишга туширилди. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдаги 7 триллион сўмдан 65 триллион сўмга, экспорт эса 75 миллион доллардан 1,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Viloyat böylab

TOŞKENT viloyatida bolalar huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qiliş, ularni zöravonlikning barça şakllaridan asraş hamda bu boradagi idoralararo hamkorlikni kuçaytiriş masalalariga bağişlangan yiğiliş bölib ötdi. Tadbirda «Bolalarni zöravonlikning barça şaklidan himoya qiliş tizimi takomillaştirilişi munosabati bilan Özbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga özgartiriş va qöşimçalar kiritiş töğrisida»gi Qonunning mazmun-mohiyati, uning ijrosini ta’minlaş hamda hududlarda bolalar huquqlarini himoya qiliş tizimini yanada takomillaştiriş masalalari muhokama qilindi.

Özbekiston Respublikasi Prezidentining tegişli farmoniga köra, noyabr oyida belgilangan mezonlarga mos keladigan ehtiyojmand oilalar va fuqarolarga 1 million sömdan bir martalik moddiy yordam ajratiladi. Ayni kunlarda **VILOYAT**imizning barça tuman va şaharlarida istiqomat qiluvçi ehtiyojmand oilalarga kuz-qiş mavsumi uçun bir martalik moddiy yordamlar manzilli yetkazib berilmoqda.

NURAFŞON şahrida korxona, taşkilot va muassasalarning mas’ul xodimlari uçun tört kunlik öquv seminarlari bölib ötdi. Unda davlat organlari hamda huquqni muhofaza qiluvçi organlar vakillari iştirok etişdi. Maşğulotlarda mehnat jamoalarida tazyiq va nomaqbul xatti-harakatlarning oldini oliş masalasiga e’tibor qaratildi. Iştirokçilar bunday holatlar böyiça murojaatlarni qanday qabul qiliş va ularni belgilangan tartibda qanday körib çiqiş kerakligi bilan batafsil tanişdilar.

BEKOBOD, BÖKA, PISKENT va OQQÖRĞON tumanlarida çorvaçilikni rivojlantiriş, istiqbolli loyihalarni jadallaştiriş hamda fermer xöjaliklari duç kelayotgan muammolarni hal etiş böyiça hudud rahbarlari, mas’ul taşkilotlar va fermerlar iştirokida oçiq muloqotlar ötkazildi. Uçraşuvlarda fermerlarning muammo va takliflari tinglanib, çorvaçilik inşootlarini barpo etiş, imtiyozli kreditlardan foydalaniş va davlat tomonidan berilayotgan qöllab-quvvatlaş imkoniyatlari yuzasidan tuşuntirişlar berildi.

OHANGARON tumanida 2 milliard dollarlik “Aqlli şahar” loyihasi amalga oşirilişi rejalaştirilmoqda. Şu maqsadda tuman hokimligi hamda Koreya Respublikasining NCG GROUP kompaniyasi örtasida investitsiyaviy hamkorlik memorandumi imzolandi. Unga köra, Ohangaron tumanida zamonaviy raqamli texnologiyalar, sun’iy intellekt va avtomatlaştirilgan boşqaruv tizimlariga asoslangan «Aqlli şahar» loyihasini işlab çiqiş va amalga oşiriş böyiça hamkorlik qilişga kelişildi.

ЎЗБЕКИСТОН — ГРУЗИЯ ДЎСТЛИК БОҒИ

Қишлоқ хўжалигида янги йўналишларни ўзлаштириш, етиштирилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай истиқболли йўналишлардан бири зайтун етиштириш бўлиб, юртимизда ушбу экинни маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш ва саноат миқёсида кўпайтириш бўйича амалий қадамлар ташланмоқда.

▼ Ҳамкорлик



Яқинда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмонов Грузия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалиги вазири Давид Сонгулашвили билан биргаликда академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига ташриф буюрди. Мақсад – институтнинг Тошкент вилоятидаги бир гектар майдонида 500 туп зайтун кўчати экиш ишларига старт бериш эди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон – Грузия дўстлик зайтун боғи»га асос солинди.

2

Ўзим ёзган шеър ҳам зимникимас...

▼ Ижодкор ён дафтаридан



Сарлавҳани танигандирсиз? Раҳматли Муҳаммад Юсуфнинг шундай бошланувчи бир шеъри бўларди. Дабдурустдан халқимизнинг арзанда шоирининг шеъридан бир банд олиб сарлавҳага чиқарганимни ён дафтаримдан оққа кўчирилган ушбу эътирозномани ўқисангиз тушуниб оласиз...

3

"TOŞKENT HAQIQATI"GA

2027 йил учун ОБУНА давом этмоқда



Ҳурматли газетхон!

Янги йилни янги фикрлар, янги мақолалар ва янги хабарлар билан бошлашни истайсизми? Унда «TOŞKENT HAQIQATI» газетасига 2027 йил учун обуна бўлишни унутманг!

Зеро, газета – шунчаки қоғозга битилган сатрлар эмас. У – замон нафаси, одамлар ҳаёти, юрт воқеалари ва эл дардини бирлаштирадиган маънавий ҳамроҳ.

Биз эса янги йилда ҳам ҳар бир сонини сиз интиқиб кутадиган, ўқиб зерикмайдиган ва яқинларингиз билан баҳам кўрадиган газета тайёрлашга интиламиз.

Ҳафтасига икки бор – чоршанба ва шанба кунлари «TOŞKENT HAQIQATI» хонадонингиз ва идорангизга кириб боради. Яъни, йил давомида сиз билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат ва яқин маслакдош бўлиб яшайди.

2027 йил учун бир йиллик обуна нархи – 996 800 сўм.

Унутманг: фарзандларингиз қўлида телефон билан бирга газета ҳам бўлсин – зеро, газетхон оилада фикр, мулоҳаза ва маънавиятга эътибор кучли бўлади.

Янги йилда ҳам биз билан бирга бўлинг!

Маълумот учун телефонлар:

(55) 520-64-95; (97) 432-00-35.

Шунингдек, таҳририятнинг Telegram канали орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашр индекси – 205

“ОЛТИН БЕЛ” — ПАРКЕНТНИНГ ЯНГИ САЙЁҲЛИК МАНЗИЛИ



Умумий майдони 47 гектар бўлган мажмуага қарийб 700 миллиард сўм инвестиция йўналтирилган. Бу ерда замонавий меҳмонхоналар, шале услубидаги дам олиш уйлари, ресторанлар, спорт ва кўнгилочар иншоотлар барпо этилган.

Хусусан, тўртта беш қаватли меҳмонхона ҳамда алоҳида бассейнларга эга 51 та бир ва икки қаватли дам олиш уйи қурилган. Меҳмонхоналарда турли тоифадаги хоналар, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар, спа ва бошқа хизмат кўрсатиш ҳудудлари ташкил этилган.

Мажмуада 350 ва 700 ўринли ресторанлар, уч қаватли фудкорт, савдо шохобчалари, очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари, шунингдек, 2,2 минг квадрат метр майдонни эгаллаган аквапарк мавжуд.



Ташриф буюрувчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун турли кўнгилочар масканлар ҳам ташкил этилган. Жумладан, 14 турдаги аттракцион, 650 метрлик зиплайн, гравитацион картинг трассалари, родельбан, 800 ўринли амфитеатр, сунъий кўл ва ҳайвонот боғи барпо этилган. Шунингдек, 1 минг 100 та автомобиль учун тўхташ жойи ташкил қилинган.

Мажмуанинг муҳим жиҳатларидан бири – туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилганидир. Шу мақсадда ташкил этилган ўқув марказида меҳмонхона ва ресторан хизматлари бўйича амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Ҳозирда Туризм қўмитаси томонидан Кумушкон маҳалласидаги ишсиз ёшлар ўқитилаётган бўлиб, йил якунига қадар 300 нафар мутахассис тайёрлаш режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш сифатини халқаро даражага олиб чиқиш мақсадида меҳмонхоналарни бошқариш Туркиянинг “Elite World” компаниясига ишониб топширилган. Меҳмонхона бизнесида 46 йиллик тажрибага эга ушбу компанияни жалб этиш орқали бошқарувга замонавий стандартларни жорий қилиш, хизматлар сифатини ошириш ва хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш кўзда тутилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 600 та янги иш ўрни яратилади. Кунига 6 минг нафаргача ташриф буюрувчига хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлиб, йиллик даромад 200 миллиард сўмга етиши кутилмоқда.

Паркент туманида туризм соҳасининг ривожланиши мавжуд имкониятлардан янада кенг фойдаланиш учун замин яратмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида туманга 198,2 минг нафар хорижий ва 1,4 миллион нафар маҳаллий сайёҳ ташриф буюрган. Туризм хизматлари экспорти 81,1 миллион долларга етган.

“Олтин бел” каби йирик мажмуаларнинг ташкил этилиши Паркентнинг туристик жозибадорлигини ошириш, сайёҳларнинг ҳудудда узоқроқ қолишини таъминлаш, хизматлар турини кенгайтириш ва маҳаллий аҳоли учун янги даромад манбаларини яратишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги шароитлар билан танишиб, туризм хизматлари сифатини ошириш, мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш ва ҳудуднинг туристик имкониятларини янада кенгайтириш масалаларига эътибор қаратди.

Шу ернинг ўзида Президентга юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш материаллари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилишлар ва инвестиция лойиҳалари маҳаллий маҳсулотлар учун катта бозор яратмоқда. Қўшни давлатлар ва яқин минтақаларда ҳам бу маҳсулотларга талаб юқори.

Юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлаш ва логистика имкониятларини кенгайтириш орқали соҳа экспортини яқин йилларда 5 миллиард долларга етказиш мумкинлиги билдирилди.

Қолаверса, маҳсулотлар сифати, дизайни ва рақобатбардошлигини ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Юртимизда 161 турдаги қурилиш материали бўйича ички талабни қоплашга етарли қувватлар яратилган бўлса-да, айрим маҳсулотлар импорти йилига 780 миллион долларни ташкил этмоқда.

Шу боис, ички бозор эҳтиёжларини чуқур ўрганиш, замонавий технологиялар ва халқаро брендларни жалб этиш асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш вазифаси қўйилди. Бу борада Туркиянинг “Betek” компанияси билан Зангиота туманида 30 миллион долларлик лок-бўёқ заводи қурилиши бошланаётгани қайд этилди.

Йирик стратегик лойиҳаларни маҳаллий қурилиш материаллари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Жиззах вилоятидаги атом электр станцияси қурилиши учун 2,2 миллиард долларлик қурилиш материаллари талаб этилади.

Шу мақсадда Эгизбулоқ маҳалласида 200 гектар майдонда махсус саноат зонаси ташкил қилиниб, 70 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Мутасаддиларга импорт ўрнини босувчи ва йирик лойиҳаларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни аниқлаб, умумий қиймати 20 миллиард долларлик лойиҳалар бўйича амалий ишларни бошлаш топширилди.

Янги турдаги юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун имтиёзли молиявий ресурслар ажратиш, корхоналарнинг энергия тежовчи ускуналар хариди билан боғлиқ харажатларини қисман қоплаш чоралари ҳам белгиланди.

Пардозбоп тошлар саноатида хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва чиқиндилардан самарали фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилди. Янги конларни “ноль чиқинди” тамойили асосида ўзлаштириш, мавжуд конлар атрофида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш вазифалари қўйилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш таннархини пасайтириш ва бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам тўхталди. Айрим ҳудудларда ўхшаш объектлар қурилиши қиймати сезиларли фарқ қилаётгани, бунга ортиқча воситачилар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ



Бундан буён ҳар бир вазир ўз соҳаси бўйича халқаро ташкилотларнинг йилига камида 3-4 та йирик тадбирини мамлакатимизда ўтказишга масъул бўлади. Ҳукуматга бу борада икки йиллик режани тасдиқлаш топширилди.

Туризмнинг янги йўналишларини ривожлантириш доирасида ҳаво шарлари, параплан ва дельтаплан хизматларини йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама қилинди. Бу фаолият учун рухсат олиш тартибини енгиллаштириш ва келаси йил ҳар бир ҳудудда камида битта шундай хизмат кўрсатиш масканини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Туристик манзилларга транспорт қатновларини сайёҳлар эҳтиёжига мослаштириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Айрим йўналишларда поездларнинг бориш ва қайтиш вақти туристларнинг ҳудуд билан тўлақонли танишишига имкон бермаётгани қайд этилди. Мутасаддиларга бир ой ичида темир йўл ва ички авиақатновлар жадвалини қайта кўриб чиқиш топширилди.

Халқаро авиақатновлар географиясини кенгайтириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ҳозир Ўзбекистондан дунёнинг 102 та шаҳрига тўғридан-тўғри рейслар мавжуд. Хорижий авиакомпанияларни янги йўналишларга жалб этиш, жумладан, “бешинчи ҳаво эркинлиги” имкониятларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, сайёҳлар учун қулай тўлов хизматларини йўлга қўйиш, халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияни кенгайтириш ва туристик масканларда кўчма савдо нуқталарини кўпайтириш чоралари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари туризм соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган мутахассисларни рағбатлантириш масаласига ҳам тўхталди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган туризм ходими” фахрий унвонини таъсис этиш ташаббуси доирасида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган ходимларни Мустақиллик байрами арафасида тақдирлаш таклиф қилинди.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев инвестор ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини тинглади.

Шунинг билан давлатимиз раҳбари Паркент туманига ташрифини якунлаб, Тошкентга қайтиб келди.

president.uz

ЎЗБЕКИСТОН — ГРУЗИЯ ДЎСТЛИК БОҒИ

Аслида, икки мамлакат ўртасида зайтун етиштириш бўйича ҳамкорлик аввалроқ бошланган. Хусусан, 2025 йилда Грузиядан зайтуннинг «Гемлик» навига мансуб 4 минг 200 туп кўчат олиб келиниб, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманидаги институтнинг Бандихон илмий-тажриба станциясига қарашли 10 гектар майдонга экилган эди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳозирда ушбу кўчатларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослашуви мунтазам кузатиб борилмоқда.

«Гемлик» нави эртапишарлиги, нисбатан паст ҳароратга чидамлилиги ва қаламчаларининг яхши илдиз олиши билан ажралиб туради. Унинг меваларидан истеъмол учун ҳам, зайтун мойи ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланиш мумкин. Шу боис мазкур навнинг маҳаллий шароитда ўсиш имкониятларини ўрганиш келгусидаги плантацияларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳа доирасида зайтун кўчатларининг тупроқ-иқлим шароитига мослашуви, ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, парваришлаш технологиялари ҳамда ҳосилдорлик имкониятлари илмий асосда ўрганилади. Шунингдек, Грузия тажрибасини ўзлаштириш, илғор агротехнологияларни амалиётга жорий этиш ва ушбу йўналишда илмий-амалий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Учрашув давомида Ўзбекистонда зайтун плантацияларини кенгайтириш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш ва зайтун мойи ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шу билан бирга, янги йўналиш учун зарур бўлган малакали кадрларни тайёрлаш борасида ҳам фикр алмашилди.

Истиқболда тўпланган тажрибалар асосида зайтун етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш, кўчатларни кўпайтириш ва янги плантациялар барпо этиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Бу каби ташаббуслар қишлоқ хўжалиги тармоғини диверсификация қилиш, янги экин турларини ўзлаштириш ва инновацион ёндашувларни кенгайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, зайтун етиштиришни ривожлантириш орқали



келгусида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш саноати учун янги имкониятлар яратиш кўзда тутилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Бугуннинг энг машҳур хонандаларидан бири Жалолиддин Аҳмадалиев ижросида “Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!” деб номланган қўшиқ шу кунларда анча оммалашди. Уни тинглар эканман, шеър муаллифи сифатида кўнглимдан айрим эътирозлар ўтди. Бу эътирозлар қўшиқнинг куйи ёки ижросига эмас, балки шеърнинг мазмуни, руҳи ва муаллифлик ғоясига муносабат билан боғлиқ.

ЎЗИМ ЁЗГАН ШЕЪР ҲАМ НИКИМАС...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Аввало, ижтимоий мавзудаги ушбу қораламамиз қўшиқ бўлиб янграгани, тингловчига етиб боргани қувонарли. Жалолиддинга бунинг учун раҳмат айтаман. Аммо унинг айрим ўзгартишларига жиддий эътирозим бор.

Шеърнинг тўлиқ матни ушбудир:

Яратганга бир гап айтгим келади:
Ҳар кўнгилга атиргул атридан бер.
Номард дўстга сал-пал чидаб бўлади,
Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Балқиб турган офтобларинг ботса гар,
Гулузоринг айлагайлар отчопар.
Ёлвориблар сўрагайман ҳар сафар,
Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Сенга бари осон, сенга мумкиндир,
Бадбахтга бахт бериб – ўзидан тиндир,
Синдирсанг ҳам зўрнинг қўлида синдир,
Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Сўрса – мансаб бергин, пулдан омборлар,
Кўкси медаль кўрсин, гулдан чамбарлар,
Дуо қилсин ортидан пайғамбарлар,
Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Кимга ётман, кимларгадир жўраман,
Ўз кўнглимда мен ҳам бекман, тўраман.
Қолганини пешонамдан кўраман,
Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Англаганингиздек, бу шеър мардлик ва номардлик, инсонийлик ва пасткашлик, самимият ва сохта улуғворлик ўртасидаги зиддият асосига қурилган. Яхшими-ёмонми, ундаги киноялар, қочиримлар, муболағалар ҳам айнан шу зиддиятни очишга хизмат қилади. Шеърнинг ташқи соддалиги ортида муайян бадиий ният, лирик қаҳрамоннинг ўзига хос дунёқараши ва ҳар ҳолда ички мантиқ бор.

Сўрса – мансаб бергин, пулдан омборлар,
Кўкси медаль кўрсин, гулдан чамбарлар,
Дуо қилсин ортидан пайғамбарлар,
Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

– деган куплетнинг учинчи мисрасидаги “Дуо қилсин ортидан пайғамбарлар” жумласи қўшиқда “Дуо қилсин ортидан уламолар” деб ўзгартирилибди.

Бу, юмшоқроқ айтганда, муаллиф назарда тутган бадиий маънони англамаслик оқибатида юзага келган ўринсиз тузатишдир. Нега?

Чунки “пайғамбарлар” сўзи бу ерда тасодифан ёки қофия талаби билан ишлатилмаган. Бу – атайлаб танланган бадиий муболағa, кутилмаган қочирим ва шеърий интриганинг муҳим нуқтаси эди.

Эътибор беринг: аввал мансаб, пул, медаль билан боғлиқ, инсон гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона интилиб яшайдиган матоҳлар ҳақда гап кетяпти. Яъни лирик қаҳрамон тасвирлаётган кимсанинг мансабга, бойликка, шуҳратга, эътирофга бўлган иштиёқи тобора бўрттириб бориляпти. Ва шу манзаранинг мантиқий кульминацияси



сифатида “Ҳамма-ҳаммасига эришсин, менга деса, ортидан пайғамбарлар дуо қилсин”, деган муболағa келяпти.

Бу ерда гап пайғамбарларнинг шахси ёки диний мақоми ҳақида эмас. Гап инсоннинг ўзини қанчалик улуғ кўрсатишга, ҳатто тасаввурга сиғмас даражада эътироф қозонишга ҳаддан зиёд интилиши устидан бадиий киноя қилиняпти.

“Пайғамбарлар” сўзи берадиган бадиий куч ҳам шунда эди. У мисрани оддий истак даражасидан муболағанинг юқори бир нуқтасига кўтаради. Қолаверса, “омборлар – чамбарлар – пайғамбарлар” тарзидаги қофия занжирини ҳам таъминлайди.

“Уламолар” сўзи эса бу ўринда на бадиий вазифани, на шеърий мантиқни, на инсоннинг мансаб, бойлик ва шуҳратга бўлган иштиёқи шу қадар авжига чиқиши ҳақида бормоқдаким, энди унинг ортидан оддий одамларнинг эмас, ҳатто пайғамбарларнинг дуо қилиши ҳам камлик қиладигандай.

Хулласи калом, бу икки сўз на маъно, на бадиий вазифа жиҳатидан бир-бирини алмаштира олади.

Албатта, мен Жалолиддиннинг эътиқодини ҳурмат қиламан. Диний тушунчаларга эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлишини ҳам тўғри тушунаман. У яхши йигит, мулоҳазали ижодкор. Шунинг учун бу фикрларимни ижодий муносабат сифатида қабул қилишини истардим.

Аммо бир нарсани фарқлаш керак: диний тушунча билан адабий тушунча, муаллиф кўзлаган таъсирни бера олади. Қайтанга у мисранинг маъно қўламини торайтиради, муболағани йўқотади, кутилмаган қочиримни оддий сийқа бир гапга айлантиради. Қолаверса, шеърнинг бадиий қурилишига путур етказади.

Уламо – арабча олим сўзининг кўплик шаклидир. Яъни олимлар, дегани. Уламо сўзининг ўзида кўпликни билдирувчи -лар қўшимчаси бор. Уламо сўзига -лар қўшимчаси қўшиб бўлмайди. Бу худди олимлар сўзига яна битта -лар қўшган каби (олимлар-лар) кулгилидир.

Гапнинг дангали, бугун уламодан дуо олиш ҳам унчалик мушкул иш бўлмай қолди. Дуо сўрашнинг ҳам ўз “йўл-йўриғи”, расм-русуми, ҳатто “тарифлари” пайдо бўлган замонда яшаяпмиз. Аммо гап кимнингдир дуосини олишда эмас, балки диний шахс билан бадиий образ бир хил нарса эмас.

“Пайғамбар” – диний тушунча. Аммо пайғамбар образи адабий тушунчадир. У турли бадиий мақсадларда, турли контекстларда қўлланиши мумкин бўлган образдир. Бадиий асарда муайян сўз-



нинг вазифасини унинг луғавий ёки диний маъноси билангина эмас, балки матндаги ўрни, контексти, муаллиф нияти ва образлар тизими билан биргаликда баҳолаш лозим. Ижодкор учун ана шу нозик чегарани англаш жуда муҳимдир.

Энди иккинчи эътирозга тўхталсам.

Қўшиқда шеърга муаллиф билан келишилмаган ҳолда қўшимча бир тўртлик ҳам киритилибди:

Кўпни кўрдик умр деган карвонларда,
Юлдуз урдик омад деган нарвонларда.
Ўзинг қўлла ботирларни майдонларда,
Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Бир қарашда бинойидек. Оҳангдошлик, вазн, туроқ, қофия жойида. Бироқ, бу тўртликда... бадиий фаросат етишмаяпти. Шунинг учун бу тўртликка ҳам бадиий, ҳам ғоявий, ҳам мантиқий жиҳатдан эътирозим бор.

Гап шундаки, “Илтимос” шеърининг лирик қаҳрамони ўзини омадли, зафар қучган, юлдуз урган ёки майдонларда ботирлик кўрсатган инсон сифатида намоён қилмайди. Аксинча, у ҳаётнинг турфа синовлари, одамларнинг хилма-хил феъл-атвори орасида турган, кимгадир жўра, кимгадир ёт бўлган, ўзини ҳам хатолардан ҳоли санамайдиган оддий, фақир бир инсон. Унинг ҳаётга муносабатида даъво йўқ, кибр ва ўзини улуғлаш йўқ. У ўзини ҳам ҳаётнинг шунчаки бир иштирокчиси, унинг қувонч ва ташвишларига елка тутиб яшаётган бир бандаи бечора сифатида кўради.

Шу боис шеърнинг якунидаги:

Қолганини пешонамдан кўраман, – деган иқрор бежиз эмас.

Лирик қаҳрамоннинг ҳаётий фалсафаси шундай. У бошқалардан мардликни сўрайди, аммо ўз тақдирининг масъулиятини ўз зиммасидан соқит қилмайди. Ўзини оқлашга уринмайди, омадсизликларида бошқаларни айбламайди. Қолганини пешонасидан кўради.

Бу – шеърнинг ички драматургиясини белгилаб турган муҳим хусусият. Адабиётда бундай усулнинг номи ҳам бор: тажоҳули орифона. Яъни лирик қаҳрамон муайян ҳақиқатни била туриб, ўзини билмасликка олади, ўзини атайин камситади, камтарона тутади. Бу орқали эса унинг маънавий қиёфаси юксалади.

Энди қўшилган тўртликка қаранг. Шеърда бирданига бошқа бир қаҳрамон пайдо бўляпти. У “кўпни кўрган”, “юлдуз урган”, омадга эришган, майдонларда ботир бир инсон. Хўш, битта шеърда иккита юзли қаҳрамон бўлиши мумкинми? Шеърга бундай иккиюзламачилик оттенкасини сингдирадиган тўртликни ёзиб берган шоирда мантиқий тафаккур борми?

Ахир мен назарда тутган лирик қаҳрамоннинг кучи зафарларида эмас, балки унинг ҳаётга муносабатида. Унинг мардлик ҳақидаги илтимоси ҳам ўзини ботир санаган инсоннинг даъвоси эмас, балки ҳаётда номардликдан озор чеккан, инсондаги мардликни қадрлайдиган (у ҳатто душманда бўлса ҳам) кишининг самимий истагидир.

Бу ерда бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидламоқчиман: шеърга мусиқа ёзишда қўшимча банд ё нақорат киритишнинг ўзига у қадар қарши эмасман. Агар қўшилган банд ё нақорат асарнинг мазмунини чуқурлаштирса, образларини бойитса, ички мантиғини кучайтирса, буни ижодий ҳамкорликнинг яхши намунаси деб қабул қилиш мумкиндир, балки. Аммо шунчаки қофиядош сўзлар топиб, шеърга тўрт мисра қўшиш билан асарни бойитиб бўлмайди.

Шеър – алоҳида мисралар йиғиндиси эмас. Унинг ўз ички архитектураси, ғоявий йўналиши, руҳий изчиллиги, лирик қаҳрамони ва бадиий мантиғи бор. Ҳар бир банд ана шу яхлитликка хизмат қилиши керак.

Жалолиддиндан хафа эмасман. Албатта, унинг нияти яхши бўлган. Аммо ниятнинг яхшилиги билан бирга сўзга ва муаллифлик ҳуқуқига ҳурмат ҳам бўлса – оламлар гулистондир.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

▼ **Фармон ва ижро**

ИНСОН ҚАДРИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Инсоннинг шаъни, қадр-қиммати ва дахлсизлигига тажовуз қилиш – жамиятдаги энг оғриқли ва муросасиз муносабат билдирилиши лозим бўлган иллатлардан бири. Айниқса, жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар нафақат жабрланувчининг ҳаёти ва руҳиятига оғир таъсир кўрсатади, балки жамиятдаги хавфсизлик, ишонч ва маънавий муҳитга ҳам жиддий путур етказади. Бундай ҳолатларнинг ҳар бири ортида инсон тақдири, унинг изтироби ва тикланиши осон бўлмаган руҳий жароҳатлар туради.



Бугун хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига қарши курашиш масаласи фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг эмас, балки бутун жамиятнинг долзарб вазифасига айланган. Зеро, зўравонликка бефарқ қараш, уни яшириш ёки жабрланувчини айблаш муаммони янада чуқурлаштиради.

Суд статистикаси ҳам мазкур муаммонинг кўламига эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, 2026 йилнинг биринчи ярмида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ билан боғлиқ 2 минг 18 та жиноят иши судларда кўриб чиқилган. Бу 2025 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 65,7 фоиз кўп дегани. Ушбу рақамлар хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг барча шаклларига қарши курашишни янада кучайтириш зарурлигини англатади.

Муаммонинг жиддийлиги, айниқса, болаларга нисбатан содир этиладиган жинсий тажовузларда яққол намоён бўлади. Бола учун хавфсиз муҳит яратиш, уни ҳар қандай зўравонликдан асраш ва бундай жиноятларни содир этган шахсларнинг қонуний жавобгарлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ҳуқуқий механизмлар изчил такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ҳужжатда жинсий эркинликка қарши жиноятлар учун жавобгарликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий эркинликка қарши жиноятлар учун судланган шахслар томонидан 14 ёшга тўлмаган болаларга нисбатан бундай жиноятлар такроран содир этилган тақдирда, умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилаш назарда тутилган. Шунингдек, 16 ёшга тўлмаганларга нисбатан бузуқ ҳаракатларни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этганлик учун жавобгарликни оғирлаштириш таклиф этилган.

Бу чоралар жиноятнинг оғирлигига мутаносиб жазо белгилаш, айниқса, болаларга нисбатан содир этиладиган такрорий жинсий тажовузларнинг олдини олиш ва жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган. Зеро, жазонинг қатъийлиги билан бир қаторда, унинг муқаррарлиги ҳам ҳуқуқий тартиботнинг муҳим шартидир.

Фармонда фақат жазо чораларини кучайтириш билан чекланилмаган. Жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тергов жараёнини такомиллаштириш ва бундай ишларни кўриб чиқишда махсус билим ҳамда кўникмаларга эга мутахассислар иштирокини таъминлашга ҳам устувор аҳамият берилган.

Хусусан, 2026 йил 1 ноябрдан бошлаб Жиноят кодексининг 118, 119, 121, 128, 128¹ ва 129-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни фақат прокуратура органлари амалга ошириши белгиланди. Бу эса мазкур тоифадаги жиноятларни тергов қилишда ягона ёндашув, қонунийлик ва процессуал талабларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган муҳим ташкилий ўзгаришдир.

Бу ўзгаришнинг моҳиятини фақат тергов ваколатининг бир идорадан бошқасига ўтиши билан изоҳлаш тўғри бўлмайди. Гап, энг аввало, инсоннинг шаъни ва дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни тергов қилишда масъулиятни ошириш, ҳар бир ҳолатга ҳуқуқий баҳо беришда холисликни таъминлаш ва жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида бормоқда.

Яна бир муҳим жиҳат: бундай жиноятлардан жабрланган инсонлар билан ишлашда нафақат ҳуқуқий, балки маънавий ва психологик ёндашув ҳам зарур. Жабрланувчининг шахсий ҳаётига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унинг шахси ва маълумотлари ошкор этилишига йўл қўймаслик, ортиқча руҳий босим ўтказмаслик тергов жараёнининг муҳим талабларидан бўлиши керак. Айниқса, болалар билан боғлиқ ҳолатларда бу масала янада нозик ёндашувни талаб этади.

Зеро, жинсий зўравонликка қарши курашиш фақат жиноят содир этилгандан кейин чора кўришдан иборат эмас. Оилада соғлом муҳитни шакллантириш, фарзандларга ўз ҳуқуқларини англатиш, уларнинг хавфсизлигига бефарқ бўлмаслик, шубҳали ҳолатларни яширмасдан тегишли идораларга хабар бериш ҳам профилактиканинг муҳим таркибий қисмидир.

Темурбек КЕНЖАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходими

“Пўн” билан ёзилмаган ИНТЕРВЬЮ...





СУРАТЛАР ГАПИРГАНДА...

Болаларга иккита сурат кўрсатилди. Савол оддий: Булар ким?

Улар жавоб беришяпти: “Бири – Mister Beast, иккинчисини билмайман...” Ўнга яқин ўқувчидан сўралганда ҳам бирортаси таниқли блогер Mister Beast ёнидаги ЎЗБЕКни, аниқроғи, ўнлаб асарлари билан миллионлаб ўзбек китобхонлар дилидан жой олган Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адиб Саид Аҳмадни танимади.

Катта саҳналарда қайта-қайта қўйилган маълум ва машҳур “Келинлар қўзғолони” комедиясида Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов радио режиссёр ролида Фармонбиби хонадонида келинлардан интервью олади. Саҳна асаридаги “Пўн билан ёзамиз!” ёки “Келинларимда пўн йўқ!” деган гапларни ҳар гал самимий табассум билан эслаймиз. Аммо, Саид Аҳмад билан Mister Beastни “таниб-танимаган” ёшлар ўртасидаги “ПЎН” БИЛАН ЁЗИЛМАГАН ИНТЕРВЬЮ”ни кўриб, тўғриси, кулишни ҳам, куйишни билолмай қолдик...



САВОЛ КЎП, ЖАВОБ ЭСА...

– Хўш, нега ёшлар Саид Аҳмадни танишмайди?

– Балки унинг китобларини ўқишмагандир-да?

– Нима учун ўқишмаган?

– Китоб дўконига киришмагандир...

– Сабаб?

– Телефондан бош кўтаришмаётгандир...

Савол кетидан савол. Аммо уларнинг жавоби битта манзилга олиб боради: тарбия, китобхонлик ва маънавий муҳит масаласига.

Ўйлаб кўринг, Саид Аҳмад кимлигини билиш учун адабиётшунос бўлиш шартми? Унинг «Уфқ», «Жимжитлик» романларини, «Келинлар қўзғолони» асарини ёки биргина ҳажвий ҳикоясини ўқиган одам бу инсоннинг халқимиз маънавий ҳаётида қандай ўрин тутганини англайди. Унинг асарларида халқимизнинг қувончи, ташвиши, орзу-умиди, характери ва ҳаёт ҳақиқати бор.

Энди айтинг-чи, шундай адибни танимаслик оддий билмасликми ёки маънавий хотиранинг секин-аста хиралашаётганидан даракми?

Албатта, MrBeastни танишнинг ўзи айб эмас. Замонавий дунёдан хабардор бўлиш, интернетдаги янгиликларни кузатиш ҳам керак. Аммо хорижлик блогернинг кимлигини била туриб, ўз миллатининг адабиётида ўчмас из қолдирган адибни танимаслик ҳар қандай кимсани аччиқ ўйга толдиради.

Бугун болаларимиз телефонни қўлларидан қўйишмайди. Унда нималар йўқ дейсиз! Блогерларнинг саёҳатлари, ҳазиллари, мусобақалари, совғалари, миллионлаб кўришлар тўпланган видеолари... Қисқаси, экраннинг нариги томонида бир олам, бу ёнида эса уни томоша қилаётган яна бир олам. Фақат бу ерда бир нарса етишмаяпти: китобнинг ҳиди, сўзнинг завқи, тафаккурнинг лаззати.

Балки, бугунги болалардан Саид Аҳмад ҳақида сўрашдан олдин ўзимизга савол беришимиз керакдир: уйимизда унинг китоблари борми? Фарзандимиз унинг асарларини ўқиганми? У билан адабиёт, тарих, миллий қадриятлар ҳақида қачон гаплашдик?

Тўғриси, баъзан болаларимизга телефон олиб беришда сахиймиз, китоб олиб беришда эса анча тежамкор бўлиб қоламиз. Янги смартфоннинг русумини ҳам, хотираси қанча гигабайт эканини ҳам яхши биламиз. Аммо уйимиздаги китоб жавонида қайси адибнинг асари борлигини сўрасангиз, бироз ўйланиб қолишимиз мумкин.

Хонадонларимиздаги жиҳозлар замонавий, фарзандларимизда энг сўнгги русумдаги телефонлар, тўйларимизда дастурхонлар тўкин. Лекин маънавий дастурхонимиз ҳам шунчалик тўкинми?

Бировдан кам бўлмасликка ҳаракат қиламиз. Аммо фарзандларимизга маърифат беришда бировдан илгарилаш ҳақида ҳам ўйлаймизми? Ахир, фарзандга қолдириладиган энг катта мерос қимматбаҳо уй-жой ёки автомобиль эмас, балки билим, тарбия, китобга муҳаббат ва мустақил фикрлаш қобилиятидир.

Бугун интернетни айблаш осон. Гўё барча муаммоларнинг айбдори шу кичик экранда. Аслида эса интернет – восита. Ундан кимдир илм олади, кимдир ҳунар ўрганади, яна кимдир куну тун бемаъни видеолар гирдобида айланади.

Гап интернетда эмас, ундан қандай фойдаланишимизда. Қувонарлиси, замонавий технологиялардан унумли фойдаланаётган, хорижий тилларни ўрганаётган, илм-фан сирларини эгаллаётган, ўзининг интеллектуал салоҳияти билан тенгдошларига намуна бўлаётган ёшларимиз ҳам кўп. Улар интернетни вақт ўтказиш воситаси эмас, билим олиш майдонига айлантиришмоқда.

Демак, муаммо авлодда эмас, унинг олдига қандай маънавий мезонлар қўяётганимизда.

Аслида, юқоридаги сўровнома бизга бир ҳақиқатни эслатди: машҳурлик билан буюклик бир хил тушунча эмас. Бири бугун миллионлаб кўришлар тўплаши мумкин, иккинчиси эса асрлар давомида халқ хотирасида яшайди. Блогернинг обуначилари кўп бўлиши мумкин. Аммо адибнинг китобхонлари, унинг асарларидан маънавий озуқа олган авлодлар борлиги – бошқа масала.

Саид Аҳмаднинг қадри бир сўровномада уни танимаганлар сони билан ўлчанмайди. Унинг асарлари халқимиз маънавий хазинасида ўз ўрнига эга. Лекин шу хазинанинг калитини келажак авлодга топшириш – бизнинг вазифамиз.

Бугун фарзандимизга телефон узатаётган қўлимиз эртага унинг қўлига китоб ҳам тутқазсин. Интернетдаги навбатдаги видеони биргаликда томоша қилаётган оила аъзолари бир куни биргалашиб китоб ҳам ўқисин. Зеро, фарзанднинг хотирасига блогернинг исмини жойлаштириш осон, қалбига китобга муҳаббатни сингдириш эса сабр ва меҳнат талаб қилади.

Энг муҳими, болаларимиздан: «Саид Аҳмадни танийсанми?» деб сўрашдан олдин, ўзимиз унинг асарларини қанчалик танишимизни бир ўйлаб кўрайлик. Чунки маънавият имтиҳонини фақат болалар топширмайди. Бу имтиҳонда ота-она ҳам, устоз ҳам, жамият ҳам қатнашади.

Ўша сўровномада болалар жавоб беришди. Энди жавоб бериш навбати бизники.

Акс ҳолда, эртага яна бир сўровнома ўтказилиб, унда фарзандларимиз нафақат Саид Аҳмадни, балки ўзлигимизни ҳам танимай қолишса, ҳайрон бўлишга ҳаққимиз қолмайди.

Зикрилла МУҲАММАД,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири

“ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК” НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



▼ Эътироф

Вилоятимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни асраш, инсонлар қалбида меҳр-оқибат ва ҳурмат туйғуларини юксалтириш йўлида самарали фаолият олиб бораётган бир гуруҳ соҳа вакиллари “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони билан тақдирландилар.



Маросимда мазкур мукофотнинг мазмун-моҳияти, жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Қайд этилганидек, юртимизда турли миллат ва дин вакилларининг тинч-тотув яшаши, эътиқод эркинлиги ва ўзаро ҳурмат тамойилларининг таъминланиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада диний-маърифий соҳа вакиллари, нуронийлар, зиёлилар ва жамоатчилик фаолларининг ҳиссаси катта.

Айниқса, ёш авлодни бағрикенглик, инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ва эзгулик руҳида тарбиялаш, турли қараш ва эътиқод эгалари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида эътирофга лойиқ.

Тадбир якунида тақдирланганлар келгусида ҳам жамиятда тинчлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишларини таъкидладилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

▼ Бизга ёзадилар

Яқинда Қибрай туманида жойлашган “Ботаника” сиҳатгоҳида даволандим ва бу маскан ҳақида илиқ таассуротлар билан қайтдим. У ердаги осойишталик ва тартиб, дам олувчилар учун яратилган шароитлар менга жуда маъқул бўлди.

СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ...



Сиҳатгоҳ ҳудудига кирган заҳотингиз атрофдаги дарахтлар, гуллар ва мусаффо ҳаво эътиборингизни тортади. Ҳудуддан оқиб ўтувчи Бўзсув канали эса бу манзарага янада кўрк қўшади.

Айниқса, сиҳатгоҳдаги тиббиёт ходимларининг хушмуомаласи, маданияти ва ишига муносабати таҳсинга лойиқ. Шифокорлар ва ҳамширалар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишади. Ҳар бир муолажа ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказилади.

Санаторийда юрак-қон томир, асаб тизими ва ҳазм аъзолари билан боғлиқ хасталиклар даволанади. Физиотерапия, сув муолажалари, шифобахш балчиқ, парафин-озокерит (тоғ муми) билан даволаш усуллари қўлланилади. Шунингдек, турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган фиточойлар ҳам тавсия этилади. Кунига уч маҳал бериладиган таомлар парҳез талабларига мослаштирилган.

Дарвоқе, даволанувчилар учун Бўстонлиқнинг хушманзара жойлари, Чорвоқ, Билдирсой, Чимён каби масканларга саёҳатлар уюштирилади. Мўъжазгина кутубхонада эса ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари, газета-журналлар жамланган.



Санаторий клубида ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, адабий кечалар ташкил этилиши ҳам дам олувчиларнинг маънавий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилади.

Мен, айниқса, ходимларнинг ҳар бир дам олувчига энг қадрли меҳмондек муносабат кўрсатишларидан хурсанд бўлдим. Чунки шифохона ёки сиҳатгоҳга келган одамга фақат дори-дармон ва муолажа эмас, яхши муомала ҳам керак. Бир оғиз ширин сўз, ўз вақтида билдирилган эътибор ҳам кайфиятга ижобий таъсир қилади. Бу сиҳатгоҳда айнан шу жиҳатга катта эътибор қаратилар экан.

Сиҳатгоҳнинг тарихи билан ҳам қизиқдим. 1966 йил 9 октябрда илк дам олувчиларни қабул қилган маскан 300 ўринга эга бўлган экан. Бугунги манзара бутунлай ўзгача, хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайган. Ҳозир бу ерда 200 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг 110 нафардан зиёди тиббиёт ходимларидир. 2014 йилдан буён санаторийга тиббиёт фанлари номзоди Тўра Аҳмедов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Англаганингиздек, сиҳатгоҳнинг фаолият юритаётганига 60 йилдан ошибди. Мен бир даволанувчи сифатида бу маскандаги шифокор ва ҳамширалар яна кўп йиллар давомида инсонларга холис хизмат қилиб, уларнинг саломатлигини тиклашга ҳисса қўшаверадилар, деган умиддаман.

Муҳаммад МЕЛИҚЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси
Сирдарё вилояти

TOŞKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis: TOŞKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toşkent haqiqati” va “Taşkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:
Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay’ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, Ğafurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, Ğayrat ŞERALIYEV, Kumuş EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Boş muharrir: **Töxtamurod HASANBOYEV**
Navbatçi: **Nozima RASULOVA**

Toşkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boşqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan röyxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. **Boş muharrir örinbosari:** (55) 520-04-10.
Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. **Bölim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
E'lonlar va hisob-kitob bölimi: (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toşkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxöjayev tomonidan sahifalandi. Haftaning çorşanba va şanba kunlari çiqadi.

Manzil: 111500, Nurafşon şahri, Toşkent yöli köçasi, 90. Toşkent şahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq köçasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosişga topşiriş vaqti – 20:00. Bosişga topşirildi – 19:20. Naşr körsatkiçi – 205.
6 723 nusxada çop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-1135.
Ofset usulida bosildi. Qoğoz biçimi A–2. Bahosi kelişilgan narxda.

«SHARQ» naşriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toşkent şahri, Buyuk Turon köçasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6